

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A410304-Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОУМК  
Бўйруқ № 418  
19.08.2020

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети.
- “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ

## **ТАСДИКЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14 » август даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14 » август даги 418 - сонли буйруги билан тасдикланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 400000-Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофик ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий –услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....</i>	4
1.1	<i>Кўлланиш соҳаси.....</i>	4
1.1.1.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....</i>	4
1.2	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат мутахассислиги бўйича магистрлар касбийфаолиятлари тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари объектлари.....</i>	4
1.2.3..	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	<i>Умумий компетенциялар.....</i>	6
2.2.	<i>Касбий компетенциялар.....</i>	7
3.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	7
3.1	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	7
3.2.	<i>5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	7
	<i>Библиографик маълумотлар.....</i>	9

## **1. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башоратмагистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул хамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор – ўқитувчилари

- магистратура мутахассислигининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратурабитирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган бакалаврият битирувчилари ва бошқа манфатдор шахслар.

**1.2. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башоратмутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башоратмутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат** – кишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва уларнинг худудий бўлимлари, Ўзбекистон фермер, дехқон ва томорқа ер эгалари Кенгashi ва унинг худудий бўлимлари, Ўсимликлар карантини шунингдек, ҳар хил шаклдаги мулк ва бизнес ташкилотларида мутахассисликка оид комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башоратмутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, професионал таълим мауссасалари педагогик фаолият;

- фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида хамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлнгини таъминлаш,

- илмий- тадқиқот институтлари, манбаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар хамкорлигига фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориши хамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда иштирок этиш;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар колледжлари ва олий таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;
- қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзгрокимёҳимоя” АЖ уларнинг ҳудудий бошкарма ва бўлимлари, ўсимликлар карантини;
- Ўзбекистон фермер, дехқон ва томорқа ер эгалари кенгаши, унинг ҳудудий бўлимлари;
- университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги экинларнинг заарли организмларни аниқлаш юритиш ва олдиндан аниқлаш, башорат қилиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича “ахборот- маслаҳат маркази кафедра-кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси” тизимини иштирок этиши;
- ташкилий-бошқарув обьектлари;
- меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар.

#### **1.2.3. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқотфаолияти;
- педагогик фаолият;
- ишлаб чиқариш-технологик ;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

#### **1.2.4. 5A410304–Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башоратмутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари;**

**5A410304 –Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат** мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларини соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

##### **Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотлар ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмийадабиётлар вайнтернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;
- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- ўсимликлар химоясида масофавий диагностика ва лабораториясини фаолияти;
- экинларнинг зарарли организмлари бўйича мониторинг юритиш ва олдиндан аниқлаш тизимини ташкиллаштириш;
- башорат қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;
- ўсимликларни химоясида башорат ва мониторинг тизимини ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- диагностика қилиш воситаларидан амалий фаолиятда самарали фойдаланишини ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишини режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- режа, ҳисоб-китоб хужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, ўсимликларни химоясида диагностика, мониторинг ва башорат қилиш соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиrolар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- диагностика, мониторинг ва башорат қилиш соҳасида бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика қоидаларига риоя қилиш.

## **2. 5A410304 – Ўсимликлар химоясида мониторинг ва башораттаълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар соҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меърий –хукуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнікмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- башорат қилиш, мониторинг, диагностика тушунчалари ва уларнинг ҳамда аҳамияти ва моҳияти;
- зааркунанда ва касаллик ва бегона ўтларнинг турларини аниқлашнинг замонавий усуллари;
- заарли организмлар биоэкологияси ва систематикиси;
- зааркунанда ва ўсимликларнинг ривожланиш фенологиялари;
- заарли организмларни аниқлаш ва хабарлашнинг замонавий усуллари;
- ўсимликлар зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларни ривожланишини ва зарарини мониторинг қилиб бориш ва унинг усуллари тўғрисида;
- ўсимликларни заарловчи зааркунанда касаллик ва бегона ўтларни ривожланиши ва тарқалишини башорат қилиш ҳамда уларга қарши профилактик (олдини олиш) чора тадбирларини ўtkазиш муддатларини, экологик тоза органик (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш) талабларини;
- экинларнинг заарли организмларни башорат ва мониторинг қилиш бўйича олиб бориладиган илмий –тадқиқот усулларини билиши керак;
- қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “аққли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;
- талabalар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни;
- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.

## **2.3. Касбий квалификациялар:**

Ўсимликлар ҳимоясида агробашоратчи, заарли организмларнинг ривожланиши ва кўпайиши бўйича хабарлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мониторинг юритувчи ва башоратчи, диагностика-ташхис қўювчи, агроном, энтомолог, фитопатолог, акаролог, герболог, микробиолог, токсиколог, эколог, биолог, ўсимликлар ҳимояси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини соҳасида сервис хизмати кўрсатувчи мутахассис, ўсимликлар ҳимояси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини соҳаси бўйича фаолият кўрсатувчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

## **3. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистралар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талabalар мажбурий ва танлов фанларинии ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижасида касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, хафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов турдош фанлар турдош олий таълим муассасалар билан хамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5A410304 –Үсімліклар қимоясыда мониторинг ва башорат магистратура мутахассислиги үқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари үқув ишларини үз ичига олган үқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиққарылған ажралған ҳолда (кундузги) үқиши шакли аудитория машгүлолтарининг энг юқори ҳажми ҳафтасига – 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолған соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратиласы.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобға олған ҳолда үқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик үқув даври учун ҳафталик үқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Үқишининг норматив муддати 2 йил бұлғанда үқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Үқув даврининг умумий ҳажми қуйидеги тақсимланиши мақсадға мувофик:

Назарий таълим ва илмий фаолият	54 %
Шу жылдан, мустақил таълим	-
Аттестациялар	6%
Таътиллар	17%
Илмий амалиёт (стажировка)	23%

### **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

#### **Таянч сұздар:**

Зарапарлы организмлар, үсімліктарни қимоя қилиш, қасб фаолияти, магистратура, лойиха-технологик, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, башорат қилиш, диагностика, мониторинг, давлат аттестацияси, мустақил таълим, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кадрларга талаб, лойихалаш, илмий-тәдқиқот жараёнлари.

**5A410304 – Үсімликлар ҳимоясіда мониторинг ва башорат  
магистратура мутахассислиги бүйінча  
тағым дастурининг тузилиши**







Т.р.	Фаннинг малакавий коды	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламани нг хажми, соатларда
<b>1.00</b>		<b>Умумметодологик фанлар</b>	<b>240</b>
1.01	ИТММ1202	Илмий-тадқиқот методологияси	60
1.02	МФҮММ2202	Махсус фанларни ұқытиш методикаси	60
1.03	АХТМ1204	Амалий хорижий тил	120
<b>2.00</b>		<b>Мутахассислик фанлари</b>	<b>930</b>
2.01	ҮМБИТУМ 1405	Үсімликлар ҳимояси мониторинги ва башоратида илмий-тадқиқот услублари	150
2.02	ҮЗБУБҚМ 1405	Үсімлик зарапкунанда ва бегона үтлар ривожланишини башорат қилиш	150
2.03	ҮКРБҚМ 1407	Үсімлик касалліктери ривожланишини башорат қилиш	210
2.04	ХҚЭКОМ 2407	Хашаротлар ва каналар экологияси	210
2.05	АММБМ 2407	Агрометрологик мониторинг ва башорат	210
2.06	ТФЕ1321	<b>Танлов фанлари</b>	<b>630</b>
		<b>Жами:</b>	<b>1800</b>
<b>3.00</b>		<b>Илмий фаолият</b>	<b>1800</b>
3.01	MD3026	Илмий-тадқиқот ва илмий – педагогик иш, магистрлык диссертациясини тайёрлаш	780
3.02	MD3006	Илмий семинар	180
3.03	MD3012	Илмий-педагогик иш	360
3.03	MD3016	Илмий амалиёт (стажировка)	480
		<b>Жами:</b>	<b>3600</b>
<b>4.00</b>		<b>Аттестациялар</b>	<b>540</b>
		<b>ХАММАСИ</b>	<b>4140</b>

ТошДАУ Үқув ишлари бүйінча  
проректори, профессор

С.Я.Исламов



**5A410304 – Ўсимликлар ҳимоясида диагностика ва баишорат  
магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув  
режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гурӯҳ таркиби**

Т/ р	Ишчи гурӯҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1.	У.Ортиқов	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети декани, факультет бўйича ишчи гурӯҳ раиси	
2.	А.Холлиев.	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети ЎК раиси, ишчи гурӯҳ раиси ўринбосари	
3.	А.Анорбаев	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси кафедра мудири, профессор	
4.	Х.Х.Кимсанбоев	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси профессори	
5.	Б.Болтаев	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти	
6.	А.Худойқулов	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти	
7.	Н.Иргашева	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси асистенти	
8.	М.Каримов	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси мудири	
9.	З.Аскарова	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти	
10.	Г.Содикова	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти	
11.	У.Рахмонов	Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси мудири, доцент	
12.	Р.Гулмурадов	Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори	
13.	У.Рахимов	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантини кафедраси мудири, профессор	
14.	Н.Туфлиев	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантини кафедраси доценти	
15.	Н.Шамуратова	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали агрокимё, ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси мудири	



Ректор  Сулаймонов Б.А.

Ўқув ишлари бўйича проректор  Исламов С.Я.

Декан  Ортиқов У.Д.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**



М.Ү.

**Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
татбиқ этиш маркази**

Директор З.Хакимов  
2020 йил « 20 » июль

М.Ү.



**КЕЛИШИЛГАН:**

**“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ**

Раисининг биринчи ўринбосари  
Х.Бекбергенов

2020 йил « 30 » июль

М.Ү.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув  
юрглари ва малака ошириш  
бўлими**

Бошлиги Ш. Жониколов

2020 йил « 30 » июль

М.Ү.

**Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий  
тадқиқот институти**

Директор К.Маматов

2020 йил « 30 » июль

М.Ү.



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига**  
**киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий**  
**фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	<b>Вазирлик (идора) нинг ташкилот (корхона) лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</b>		<b>Вазирлик (идора) нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b>
	<b>шифри</b>	<b>номи</b>	
1	5410300	<b>Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича)</b>	<p><b>Битирувчи қуидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-кишлоқ хўжалиги экинлари заарли организмлари (зааркунанда, касаллик, бегона ўт) систематикаси, морфологияси ва биологик хусусиятлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари ва воситалари тўғрисидаги билимларни пухта эгаллаши;</li> <li>-заарли организмларнинг тарқалиш ареали ва экологиясини ҳамда уларни ички ва ташки омилларга бўлган муносабатини яхши билиши;</li> <li>-ўсимликларни химоя қилиш ва карантини тармоқларида касбий билимларни амалда қўллаш;</li> <li>-индивидуал ва гурухларда ишлашда қарорларни қабул қилиш;</li> <li>-фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида янги билимларни тезкор эгаллаш;</li> <li>- кишлоқ хўжалигига инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “аклли кишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;</li> <li>-кишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган майдонларда зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлар келтирадиган заарни ўрганиш ҳамда тахлил қилиш;</li> <li>-ўсимликларни касаллик, зааркунанда ва бегона ўтлардан химоя қилишни ташкил қилиш ва бошқариш;</li> <li>-кишлоқ хўжалик экинларининг зааркунандалари ва касалликларини пайдо бўлишини ҳамда тарқалишини башорат қилиш;</li> <li>-энтомофаг, биопрепарат ва пестицидларни қўллаш;</li> <li>-ўсимликларни заарли организмлардан химоя қилиш учун техника ва механизmlарнинг</li> </ul>

			<p>тайёрлигини текшириш, ишлаб чиқаришга энг самарали механизация воситаларини танлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-қишлоқ хұжалик әкин майдонларида, бөгларда, токзорларда карантин назоратини үтказиш, әкиш учун зарур уруғлик, мевали дараҳтлар күчатлари, үсімлик хом ашёлари, озиқ овқат маҳсулотларини түрли карантин заарлы организмлар билан заарланғанлик даражасини билиш ва назорат қилиш;</li> <li>-үсімликларни ҳимоя қилиш воситаларига бұлған әхтиёжни ҳисоблаш ҳамда техник ҳужжатларни юритиш қобилиятига эга бўлишлари керак;</li> <li>-атроф муҳитни муҳофazа қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалліклар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиши керак;</li> <li>-иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;</li> <li>-инновацион гоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш.</li> </ul>
2	5A410301	Үсімликлар ҳимояси (усуллар бўйича)	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p><b>Бундан ташқари у:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;</li> <li>- үсімликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳасидаги касбий билимларни илмий асосда қўллаш;</li> <li>- үсімликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳасидаги кўникмаларни түрли маҳсус амалий дастурий воситалардан фойдаланиб амалда қўллаш;</li> <li>- үсімликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳаси бўйича инновацион гоялардан фойдаланган ҳолда энг самарали технологияларни илмий асосда жорий этиш;</li> <li>- үсімликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;</li> <li>- үсімликлар ҳимоясининг назарий асосларини ва улубларини билиш;</li> <li>- үсімликларни ва уларнинг маҳсулотларини заарловчи ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларни ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар үтказиш;</li> <li>- зарапкунандаларга қарши кимёвий ва биологик кураш воситаларини қўллаш бўйича тадқиқотлар үтказиш;</li> <li>-үсімликларни ҳимоя қилиш жараёнларида технологияларни ташкиллаштириш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларини амалга оширишда кимёвий ва биологик лабораторияларини ташкил қилип, ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш технологияларини яратиш;</li> <li>- фойдали ва заарли ҳашаротлар турларини систематик белгиларига ва заарига караб аниқлай олиш, уларни кўпайиш ҳамда тарқалишини башпорат қилиш ишларини ташкил этиш ва бошқара олиши;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядларини, тажриба станцияларини, туман ва вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларини, илмий-тадқиқот институтларида лабораторияларидаги ишларни ташкиллаштириш ва бошқара олиши;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш, режалаштириш ҳамда татбиқ қилиш;</li> <li>- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;</li> <li>- маҳсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агротоксикология фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;</li> <li>- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни;</li> <li>- қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “аклли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;</li> <li>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўгри фойдаланишни;</li> <li>-- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</li> </ul>
--	--	--

3	5A410302	Энтомология	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр япада юқори даражада бажариши керак.</p> <p><b>Бундан ташқари у:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;</li> <li>- энтомология соҳасидаги касбий билимларни илмий асосда қўллаш;</li> <li>- энтомология соҳасидаги кўнкимларни турли маҳсус амалий дастурий воситалардан фойдаланиб амалда қўллаш;</li> <li>- энтомология соҳаси бўйича инновацион гоялардан фойдаланган ҳолда энг самарали технологияларни илмий асосда жорий этиш;</li> <li>- энтомология фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;</li> <li>- ўсимликлар ҳимоясининг назарий асосларини ва улубларини билиш;</li> <li>- ўсимликларни ва уларнинг маҳсулотларини заарловчи ҳашаротларнинг тур таркибини аниклаш, биоэкологик хусусиятларни ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтқазиш;</li> <li>- зааркунандаларга қарши кимёвий ва биологик кураш воситаларини қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтқазиш;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларида технологияларни ташкиллаштириш;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларини амалга оширишда кимёвий ва биологик лабораторияларини ташкил қилиш, ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш технологияларини яратиш;</li> <li>- фойдали ва заарли ҳашаротлар турларини систематик белгиларига ва заарига қараб аниклай олиш, уларни кўпайиш ҳамда тарқалишини башорат қилиш ишларини ташкил этиш ва бошқара олиши;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядларини, тажриба станцияларини, туман ва вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларини, илмий-тадқиқот институтларида лабораторияларидаги ишларни ташкиллаштириш ва бошқара олиши;</li> <li>- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнларини ва заҳираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;</li> </ul>
---	----------	-------------	--

			<ul style="list-style-type: none"> <li>- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меңнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасыда ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;</li> <li>- маҳсус фанларни ўқитиши методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;</li> <li>- ўқув услугий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услугий хуҷжатларни тайёрлашни;</li> <li>-қишлоқ хўжалигига инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;</li> <li>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни;</li> <li>- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</li> </ul>
4	5A410303	Фитопатология	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p><b>Бундан ташқари у:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;</li> <li>-мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;</li> <li>- касалланган ўсимликларни ва касалликлар келиб чиқиш сабабларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориши;</li> <li>- касалликларга қарши кураш усусларини билиши ва уларни мукаммаллаштириши;</li> <li>- ўсимлик касалликларига тўғри ташхис қўйипи;</li> <li>- қишлоқ хўжалик ўсимликларини касалликлардан ҳимоя қилишга тавсия қилинган янги фунгицидларнинг давлат синовларини ўтказишда қатнашиш;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларни ташкиллаштириш;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича вирусология, бактериология ва микология лабораторияларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;</li> <li>- меңнат жамоасига раҳбарлик қилиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнларини ва заҳираларини режалаштириш ва уларни ишлаб</li> </ul>


			<p>чиқаришга тадбиқ этиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиши билан бөглиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнилари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиши;</li> <li>- атроф-муҳитни муҳофazaga қiliishi va mehnat xavfsizligiga talaoblariiga mos keliishi borasiida ishlab chikarishtirishini;</li> <li>- maҳsus fanlarni ўqitiishi metodikasidan foydalaniш va ularni takomillashтиriшni;</li> <li>- fitopatologiya fanlari boyicha maъruza, amalij va laboratoriya masfgulotlarini olib boriши, ўкуv-taniшtiруv, ishlab chikarishtirish-technologik malaka amaliyotlariiga rahbarlik қiliшni;</li> <li>- ўkuv uslubiy kўrsatmalar, maъruza matnlari, amaliyot va laboratoriya masfgulotlariidan kўllanmalar, tarqatma materiallar, ўkuv fanlari ischi dasturlarini, kalendar reja, talaabalardan biliminining ratingi nazorati jadvalini tuzish va bosqa ўkuv uslubiy xujjatlarini tayёрlaшni;</li> <li>-kishloq xўjaliqida innovatsion resurstejamkor texnologiyalarini қўllash, "aklli kishloq xўjaliqi" (Smart agriculture) va raqamlaшtiriлgan agroneteknologiyalarini jorij қiliш boyicha zamonaviy bilimlariga ega bolgan kadrlar tayёрlaш;</li> <li>-talaabalardan biliminining nazorat қiliшda rating tizimi Nizomidan tўғri foydalaniшni;</li> <li>-ўz mutaxassislik faoliyatini va bosqa turdoш kasblariga samarali moslasha olishi kerak.</li> </ul>
5	5A410304	Ўсимликлар химоясида мониторинг ва башпорат	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p><b>Бундан ташқари у:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- башпорат қилиш , мониторинг, диагностика тушунчалари ва уларнинг ҳамда ахамияти ва моҳияти;</li> <li>-зааркунанда ва касаллик ва бегона ўтларнинг турларини аниқлашнинг замонавий усуллари;</li> <li>- заарли организмлар биоэкологияси ва систематикиси;</li> <li>- зааркунанда ва ўсимликларнинг ривожланиш фенологиялари;</li> <li>-заарли организмларни аниқлаш ва хабарлашнинг замонавий усуллари;</li> <li>- ўсимликлар зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларни ривожланишини ва зарарини мониторинг қилиб бориш ва унинг усуллари тўғрисида;</li> <li>-ўсимликларни заарловчи зааркунанда касаллик ва бегона ўтларни ривожланиши ва тарқалишини башпорат қилиш ҳамда уларга қарши профилактик (олдини олиш) чора</li> </ul>

			<p>тадбирларин ўтказиш муддатларини, экологик тоза органик (кишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш) талабларини;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-экинларнинг заарли организмларни башорат ва мониторинг қилиш бўйича олиб бориладиган илмий –тадқиқот усулларини билиши керак;</li> <li>-кишлоқ хўжалигига инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли кишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;</li> <li>-талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</li> </ul>
--	--	--	---

ҚҲВ ўкув юртлари ва малака ошириш  
бўлими бошлиғи

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раисининг  
биринчи ўринбосари

Ўсимликларни химоя қилиш илмий  
тадқиқот институти директори



Ш.Жоникулов

Х.Бекбергенов

К. Маматов

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ  
хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим  
йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака  
талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим  
муассасалари билан  
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Қибрай тумани

“30” сюнья 2020 йил

**Қатиашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиги - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўкув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиги – Ш.Жоникулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиги ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгashi раиси - А.Хайтов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўкув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиги – И.Султонова, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Курбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Галла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Кувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя килиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иктисадиётни илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза килиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўкув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўкув-услубий бошқармаси бошлиги-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйргуда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини мухокамаси.

**Сўзга чиқди:** А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйргуда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва қўнималарига қўйиладиган талаблар, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, КарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхонларнинг малакали мутахассислари иштирокида мухокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидағи илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан такриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувоғиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳакида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўкув режалари ҳакида йигилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

